ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди
№ БД 5321600-3.03

201_7_ йил "_18_" _08_

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

201_7_ йил "_20.08_"

# "ПЕДАГОГИКА. ПСИХОЛОГИЯ"

## ФАН ДАСТУРИ

| | | |
|---|---|---|
| Билим соҳаси: | 300 000 | - Ишлаб чиқариш-техник соҳа |
| Таълим соҳаси: | 320000 | - Ишлаб чиқариш технологиялари |
| Таълим йўналиши: | 5321600 | - Енгил саноат технологиялари ва жихозлари |

Тошкент 201_7_

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 201____йил “___“ ________даги_____сонли буйруғининг __иловаси билан фан дастури рўйҳати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб – хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 201___йил «__» _______ даги ____ сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ишлаб чиқилган.


**Тузувчилар:**

| | |
|---|---|
| Ф.Р.Абдурахмонов | “Педагогика ва жисмоний маданият” кафедраси профессори |
| Д.Б. Мирходжаева | “Педагогика ва жисмоний маданият” кафедраси ассистенти |

**Тақризчилар:**

| | |
|---|---|
| З.Э.Абдурахманова | -ЎзМУ “Психология” кафедраси доценти. |
| В.Н.Сатторов | -ТТЕСИ “Педагогика ва жисмоний маданият” кафедраси доценти |


Фан дастури Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (201____йил ______дан “______”-сонли баённома )

## I.Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

Бугунги кунда ёш авлодни ўзи қизиққан касбга йўналтириш ва ундан керакли натижаларни олиш жамият олдида турган долзарб масалалардан ҳисобланади. Педагогика ва психология фанлари ёшларни касбий тарбияланишида жуда катта аҳамиятга эгадир. Педагогика ва психология фанлари хар бир меҳнат йўналиши учун, бу соҳага керак бўлган мутаҳасисларни тайёрлаб бериш учун, уларда ўзлари қизиққан касбни танлаб олишлари ва ижодий ёндашишлари учун имкониятлар яратиб бера оладиган фан ҳисобланади.

Педагогика ва психология фанлари педагогик ва психологик фанлар киришидан аввал ўтилиши ва унинг асосида бошқа фанлар киришини талаб қилади. Умумий педагогика ва психология бошқа фанларни ўтишга асос бўлиб, уларни яхши тушунишларига олиб келади. Мазкур фан бошқа психологик фанларнинг назарий ва услубий асосини ташкил қилиб, ўз ривожида психологик йўналишдаги фанлар учун замин бўлиб хизмат қилади.

## II. Ўқув фаннинг мақсади ва вазифалари

**“**Педагогика ”-фанининг мақсади - талабаларнинг умумий ва педагогик маданиятини ошириш, инсон фаолиятининг муваффақиятли бўлишлик омили сифатида педагогик ўзига хос хусусиятлар ҳақидаги тасаввурларни яхлит шакллантириш.

Фаннинг вазифаси: педагогика фани тараққиётининг асосий ёъналишлари билан танишиш; маърифий (таълим, тарбия, шахс камолоти ва маданиятини тавсифловчи) тушунчалар мажмуини ўзлаштириш; ўқишга ва касбга оид муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш; замонавий таълим жараёнини лойиҳалаштириш, ташкил этиш ва амалга ошириш, унинг бориши ва натижаларини ташхис қилишнинг назарий асосларини ўзлаштириш; таълим олувчилар, ишлаб чиқариш ходимлари билан тарбиявий ишлар методларини эгаллаш; ўқув машғулотларининг асосий турларини ўтказиш ва уларга тайёргарлик кўриш кўникмаларини шакллантириш; касбий тафаккур, техник ижодиётни ривожлантириш методлари билан танишиш.

“Психология” фанининг мақсади - талабаларда умумий психологик билимларни эгаллашга, шахс психологияси, унинг фаолияти ва мулоқоти, психик тараққиёт қонуниятлари, шахсни этнопсихологик методлар ёрдамида ўрганиш бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш.

Фаннинг вазифаси: талабаларга воқелик ва жамиятдаги воқеа-ҳодисаларнинг, жамият ҳаётида умумий психологик ҳодисалар, ҳолатлар ва жараёнларнинг моҳиятини таҳлил этишга, шахснинг камолоти ва унга таъсир кўрсатувчи омиллар, унинг индивидуал психологик хусусиятлари, эмоционал ва иродавий сифатларини таҳлил этишга ўргатишдан иборат.

## III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

### 1-Модуль. Педагогика фанининг мақсад ва вазифалари

#### 1 – мавзу. Педагогика фанининг моҳияти, предмети ва тадқиқот методлари.

Ўзбекистонда таълим тизими. Педагогика шахсни ривожлантирувчи ва таълим берувчи фан сифатида. Педагогика фанининг асосий категориялари ва тармоқлари. Педагогикани бошқа фанлар билан алоқаси. Педагогика фанининг предмети ва вазифалари.

#### 2 – мавзу. Жаҳон педагогикаси тарихида таълим – тарбиянинг мақсадлари.

Таълим методлари ва уларнинг таснифи. Таълим шакллари. Дидактик таълим назарияси.Ўқитишнинг метод ва тамойиллари.

#### 3- мавзу. Ўқитишнинг шакли ва воситалари. Педагогик технология.

Ўқитишнинг метод ва тамойиллари. Ўқитишнинг шакли ва воситалари. Дарс бериш шакллари ва вазифалари. Ўқитишнинг қонун ва қонуниятлари. Педагогик технологиянинг моҳияти ва унга қўйилган талаблар. Муаммоли таълимнинг психологик – педагогик мақсадлари ва уларни муваффақиятли амалга ошириш шарт – шароитлари.

#### 4 мавзу. Ҳозирги замон жамиятида педагог касби ва педагогик маҳорат .

Тарбиянинг мазмуни ва мақсади, тамоиллари. Тарбия методлари ва воситалари. Ўзбекистонда таълим ва тарбияга бўлган муносабат, олиб борилаётган ислоҳотлар.

### 2-Модуль. Психология фанининг аҳамияти.

#### 5 – мавзу. Психология фанининг предмети, вазифалари ва мақсади.

Психологиянинг предмети, вазифалари, метод ва тармоқлари. Психология тарихи. Психик ривожланишнинг босқичлари, психик ходисалар, психик ривожланишнинг қонуниятлари. Мия ва психика. Психология фанининг тадқиқот методлари ва тармоқлари.

#### 6 – мавзу. Шахс ва фаолиятнинг умумий характеристикаси.

Психологияда шахс, индивид, индивидуаллик тушунчалари. Шахснинг социал- биологик тушунчаси. Шахс фаолияти ва фаолият турлари. Шахснинг эҳтиёжлари, кўникма ва малакалари.

#### 7 – мавзу. Шахснинг билиш жараёнлари.

Шахснинг билиш билан боғлиқ жараёнлар: сезги, диққат, идрок, хотира, тафаккур, нутқ, хаёл ва ирода, ҳиссиёти.

**8 мавзу. Шахснинг индивидуал – психологик хусусиятлари**

Шахснинг индивидуал – психологик хусусиятлари: Темперамент, характер ва қобилият.

Темперамент ҳақида умумий тушунча. Характер ва унинг кўринишлари.

**9 мавзу. Қобилият ва унинг турлари.**

Қобилият ҳақида умумий тушунча. Талант, иқтидорлик, генийлик тушунчалари.

Инсон ҳаётида психик жараёнларнинг ўрни ва аҳамияти. Талаба ўзлаштиришида психик жараёнлар.

## IV. Семинар машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Семинар машғулотлар учун қуйидаги мавзулар тавсия этилади:

1. Педагогика фанининг мақсади, методлари ва вазифалари.
2. Таълим методлари, тамойиллари ва уларнинг таснифи.
3. Тарбия тушунчаси ва унинг методлари.
4. Педагогик технологиянинг моҳияти.
5. Шарқ мутафаккирларининг таълим-тарбия борасидаги фикрлари.
6. Жахон педагогикаси тарихида таълим-тарбиянинг мақсадлари.
7. Ҳозирги замон жамиятида педагог касби ва педагогик маҳорат.
8. Ўзбекистон Республикасида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва Таълим тўғрисидаги қонун
9. Таълимни назорат қилиш шакллари.
10. Психология фанининг предмети, вазифалари ва мақсади.
11. Психологияда шахс ва жамият муаммоси.
12. Психологияда шахс тушунчаси ва уни жамиятдаги ўрни.
13. Мулоқот тушунчаси ва унинг турлари.
14. Шахснинг билиш жараёнлари.
15. Шахснинг индивидуал психологик хусусиятлари.
16. Бошқарув психологияси.
17. Бошқарув психологиясида муаммоли вазиятлар
18. Қобилият ва унинг турлари.

## V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Психология ҳақида умумий тушунча.
2. Психология ва мия.
3. Психологияда шахс ва жамият муаммоси
4. Тафаккур ва мустақил фикрлаш шарт-шароитлари
5. Шахснинг индивидуал хусусиятлари ва уларни диагностика қилиш
6. Ўқув фаолиятининг тарбиявий асослари
7. Комил инсон сифатлари билан касбий сифатлар уйғунлиги
8. Маънавий- ахлоқий тарбия
9. Таълим ва тарбия жараёнида оиланинг ўрни
10. Таълим жараёнида педогогнинг бошқариш фаолияти

Мустақил ўзлаштириладиган мавзулар бўйича талабалар томонидан реферат тайёрлаш ва уни тақдимот қилиш тавсия этилади.

## VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

### Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2014 й.

2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2017 йил, 488 бет.

3. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.Тошкент, “Ўзбекистон”, 2016 йил, 56 бет.

4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш- юрт тараққиёти ва халқ фаравонлигининг гарови.Тошкент, “Ўзбекистон”, 2017 йил, 48 бет.

5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий тахлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик- ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак.Тошкент, “Ўзбекистон”, 2017 йил, 104 бет.

6. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор ёъналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.

Каримов И. А Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., 1998 й.

8. Абдурахмонов Ф.Р., Абдурахмонова З.Э., Халмуратова Ж.Г. Педагогика. Психология . ТТЕСИ Т., 2015й

22. Ғозиев Э. Умумий психология. Т. 2010й. 201 б

### Қўшимча адабиётлар

1. Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.,Маънавият.2008 й

2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т., Ўзбекистон, 2011 й.

3. Абдурахмонов Ф.Р. Педагогик социология. Т., “Ношир” 2015 й.

4. Абдурахмонов Ф.Р., Халмуратова Ж.Г. Педагогик жараёнларни бошқариш /ўқув услубий қўлланма. Т.ТТЕСИ. 2015 й.

5. 2003 й.

6. Анастази А., Урбина С. Психологическое тестирование. 7 –е издание.

7. /Пер.с англ. СПб: М. 2009 г.

8. Абдурахмонов Ф.Р., Абдурахмонова З.Э. Касб психологияси (ўқув қўлланма),Т. ТТЕСИ 2017 й.

9. Гуревич К.М. Дифференциальная психология и психодиагностика. М., 2008 г.

10. Зеер Э. Психология профессионалного образования /уч.пос.для студентов. М., 2006 г.

11. Жалолов.А Касб қандай танланади. Т., 2010 й.

12. Климов Е.А. Как выбрать профессию. - М., 1990
13. Ғозиев Э.Ғ. Мамедов К.Қ Касб психологияси. Т., ТДАУ
14. Абу Наср Фаробий Фозил одамлар шаҳри Т., 1993 й.
15. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд аҳлоқ. Тошкнт, Ўзбекистон 1992 .
16. Абдурахманов Ф.Р., Саидходжаев Х. “Социология” Т., ИИВ Академияси, 2000 й.

**Интернет ресурслари**

1. http://azps.ru/tests
2. http://www.pchyportal.info/pchygage/test
3. http://pchylist.net/praktikum/
4. http://www.psychology.ru/tests/
5. http://www.psychological.ru
6. www.lusher-solor.com